

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 174 (11.235)

Баҳоси эркин нарҳда

## МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларининг самимий кутловлар келиши давом этмоқда.

●«ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг Сурхондарё вилоятига йўл олган навбатдаги «Саломатлик поезди» мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Экология ва саломатлик кунлари» тадбирлари доирасида ташкил этилди.

●«Шўртангазмаҳсулот» Ўзбекистон — Швейцария — Буюк Британия қўшма корхонасида йилга 6 миллиард куб метр газни қайта ишлайдиган қурилма ишга туширилди. Мазкур қурилма икки технологик блокдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири йилга 28 минг тонна пропан, 25 минг тонна бутан ва 21 минг тонна конденсат ишлаб чиқариш қувватига эга.

●«Қизилтепа пахта тайёрлаш» ҳиссадорлик жамиятида янги ҳосилини қабул қилишга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Бу ерда барча пахта қабул қилиш шохобчалари, шунингдек, тарозилар, майдончалар, ёнғинга қарши ишлатиладиган техник воситалар, юклаш, узатиш ва ортиш механизмлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Қизилтепа ва Кармана туманларидаги 900 фермер хўжалиги билан шартномалар тузилди.

●Марғилон шаҳридаги тарих музейининг тўртта намоиш зали янгидан жиҳозланди. Экспозицияларда Марғилон шаҳрининг қадимги даврдан бошлаб, ҳозирги кунгача бўлган тарихи ўз аксини топган.

●Юртимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки кредити асосида «Тошгузар-Бойсун-Кумкўрғон» темир йўл йўналишида қурилиш режалаштирилган 5 та кўприкнинг дастлабки тест синовидан ўтказилди. Бу улкан кўприк Чашмаиҳафизон-Ақработ ораллигида ўзбек ва япон мутахассислари иштирокида бунёд этилган.

●Қарши шаҳридаги болалар маданияти ва истироҳат боғида «Баркамол авлод — юрт таянчи» шиори остида ёшлар форуми ўтказилди. «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими, Маънавият-тарғибот маркази ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур форумнинг асосий мақсади йигит-қизлар қалбидан юртга муҳаббат ва садоқат хисларини кучайтириш, кўп минг йиллик тарихимиз ва аъналаримизни тарғиб этишдир.

## ЖАҲОНДА

●«Intel» компанияси Ҳиндистон ҳукумати буюртмасига асосан арзон компьютерларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Мазкур компьютерлар «Intel Atom» процессорлари базасида йиғилмоқда, дея хабар беради «DG News» ахборот агентлиги. Янги компьютерларни Ҳиндистонлиқлар 5 минг рупий (115 АҚШ доллари)га сотиб олишлари мумкин.

●Конго Демократик Республикаси шимолида гуманитар ёрдам юклари ортилган самолёт ғойиб бўлган. «Рейтер» ахборот агентлигининг хабарига кўра мазкур ҳаво кемадан Луизиана штати жиддий зарар кўрган. Тўфон мамлакат иқтисодиётига бир неча миллиард АҚШ доллари миқдорда зарар келтирган.

●БМТнинг Атроф-муҳитни муҳофаза этиш дастури (UNEP) томонидан тайёрланган маърузада айтилишича XXI аср охирига келиб ер юзидида музликларнинг асосий қисми эриб кетиши мумкин. 1996-2005 йиллар ораллигида олиб борилган тадқиқотларда музликлар қарий ярим метрга эриб кетгани маълум бўлган. Бу олдинги 10 йилликка нисбатан икки баробар юқори кўрсаткичдир.

●Шу йил 1 ноябрда Хитойдаги космодромдан Венесуэланинг биринчи сунъий йўлдоши самога учурилади. У Венесуэла телевидениеси ва интернет тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.

●Душанба кўни ўтказилган савдоларда нефть нархи сезиларли даражада арзонлашгани кузатилди. Мутахассислар «қора олтин»нинг пулга нисбатан қиймати тушиб кетишига «Густав» тўфони келтирган талафотлар сабаб бўлаётганлигини айтишмоқда.

●АҚШнинг Техас штатидаги Харролд округи маъмурияти ўқитувчиларнинг дарсларга қурол билан келишларига рухсат берди. Округ маъмуриятининг мазкур қарори турли мунозараларга сабаб бўлмоқда.

●Халқаро Олимпия кўмитаси софтбол ва бейсболни Олимпиада ўйинларидан чиқариб ташлашга қарор қилди. Шундай қилиб, яна тўрт йилдан сўнг Англия пойтахти Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида Жанубий Корея ва Куба ўзларининг чемпионлик унвонларини ҳимоя қила олмайди.

## ИТТИФОҚЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ САМАРАЛАРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 2 СЕНТЯБРЬ КУНИ ДЎРМОН ҚАРОРГОҲИДА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИ ВЛАДИМИР ПУТИННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

— Ўзбекистон-Россия муносабатлари иттифоқчилик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда, — деди мамлакатимиз раҳбари учрашувда. — Биз кенг қўламли ўзаро ҳамкорликни юксак қадраймиз. Ушбу учрашув ўзаро алоқаларга доир масалалар, томонларни қизиқтирган долзарб минахташ ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қўлай имкониятдир.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия билан муносабатлар алоҳида ўрин тутди. Мамлакатларимиз ўртасида 2004 йили Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йилда ҳамкорликни олий босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланган.

Мунтазам равишда олий даражадаги мулоқотлар ўтказилмоқда. Икки мамлакат раҳбарлари халқаро ташкилотлар саммитлари доирасида ҳам доимо учрашадилар. Хусусан, яқинда ШХТнинг Душанбе саммити доирасида Президентлар Ислам Каримов ва Дмитрий Медведевнинг музокараси бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига, хавфсизликни таъминлаш йўлидаги ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Россия сиёсий соҳада кўп жиҳатдан ҳамфикр эканини таъкидлаш жоиз. Бу ҳамфикрлик мамлакатларимизнинг наркотрафик, терроризм, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашдаги ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатларимизнинг ҳарбий ва ҳарбий-техника соҳасидаги алоқалари ҳарбий мақсулотлар етказиб бериш, ҳарбий техникани янгилаш, кадрлар тайёрлаш, биргаликда машқлар ўтказиш, кинотини тадқиқ этиш бўйича давлатлараро дастурлар тузиш ва амалга ошириш каби тадбирларни ўз ичига олади. Россия Ўзбекистоннинг етакчи иқтисодий шерикларидандир. Ислам Каримовнинг жорий йил февраль ойида Москвага ташрифи асосида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида 2008-2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳамда Авиасозлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий

ҳамкорлиги кўплаб соҳаларни камраб олган. Мамлакатимиз ташқи савдосининг 30 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келади. 2005 йилдан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йилига 1 миллиард АҚШ долларига кўпаймоқда. 2007 йилда бу борадаги кўрсаткич 4,2 миллиард долларни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг январь-май ойларида 1 миллиард 610 миллион долларга етди.

Диккатга сазовор томони шундаки, илгари Ўзбекистон экспортда хомашё ёки ярим хомашё салмоқли ўрин тутган бўлса, эндиликда саноат мақсулотларининг улуши ортмоқда — айти пайтда экспортнинг қарий ярмини саноат мақсулотлари ташкил этади. Хусусан, енгил автомобиллар, полиз мақсулотлари ва мева-чева, полистилен, тайёр тукумачилик мақсулотлари, трансформатор ва трансформатор подстанциялари, паст вольтли қурилмалар каби мақсулотлар экспортни, шунингдек, қувурлар, ҳаво транспорти, сайёҳлик бўйича ва бошқа турдаги хизматлар ҳажми мунтазам ошмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Россияга машина ва усқуналар, озиқ-овқат мақсулотлари, кимё саноати мақсулотлари ва пластмасса, рангли ва қора металллар (руҳ, мис, вольфрам, молибден) ҳамда улардан ясалган буюмлар (кабеллар ва бошқа ўтказгичлар), ишлаб чиқаришда ишлатиладиган кўплаб турдаги техника воситаларини ҳам экспорт қилади. Ўзаро экспорт-импорт қайдномаларида акс этадиган товарлар ва хизматлар сони жуда кўп.

Савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорлики ривожлантириш учун мунтазам равишда бизнес-форумлар, кўргазмалар, ҳукуматлараро комиссия мажлислари ташкил этилмоқда. Ўзбекистон вилоятлари билан Россиянинг федерал субъектлари, икки мамлакатнинг йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги бевосита алоқалар ривожланиб бормоқда.

Сарможий ҳамкорликка алоҳида тўхталиш жоиз. «Газпром», «Лукойл», «Союзнефтегаз», «Стройтрансгаз», «Волгабурмаш» каби компаниялар билан ҳамкорликда ёқилғи-энергетика мажмуи инфратузилмасини ривожлантириш, конларни аниқлаш ва ўзлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. 2007 йилнинг ноябрда «Лукойл» компанияси билан биргаликда Бузхоро вилояти ҳудудидида «Хазуак» газ қони ишга туширилганини бу йўналишдаги ҳамкорликнинг яна бир муваффақияти сифатида қайд этиш мумкин.

Кўшма корхоналар сонининг ортиши ҳам сарможий ҳамкорлик қўлами кенгайиб бораётганидан далолатдир. Ўзбекистонда Россия сармоиси иштирокида тузилган беш юздан зиёд қўшма корхона фаолият юритмоқда. Россиянинг 145 фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган уч юзга яқин қўшма корхона бор.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистонда Россия халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг («Росзарубежцентр») ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Илм-фан ва маданият намоёндалари ҳамда жамоат арбобларининг ташаббуси билан 2004 йили Москвада ўзбек халқининг бой тарихий-маданий меросини тарғиб қилишни ўзига мақсад қилган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг тақдироти бўлиб ўтди. Мазкур жамғарма ташаббуси билан турли кўргазмалар, фестиваллар, маданият кечалари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, «Иттифоқчилик муносабатлари шартотида Ўзбекистон ва Россиянинг гуманитар ҳамкорлиги» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Албатта, бугун мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳар қанча кенг қамровли ва серқирра бўлмасин, икки томонлама ҳамкорлик ресурсларининг барчаси ишга солинган, дейиш қийин. Ўзбекистоннинг ҳам, Россиянинг ҳам имконияти ва салоҳияти юқори даражада. Масалан, машинасозлик, автомобилсозлик, самолётсозлик, ахборот технологиялари, коинот тадқиқотлари, агро-саноат каби соҳаларда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш икки томон учун ҳам гоёя фойдалидир.

Владимир Путин Россия Ўзбекистоннинг ўзининг Марказий Осиёдаги энг муҳим стратегик шериги деб билишини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда савдо-иқтисодий, илмий-технавий, сарможий ҳамкорлики, гуманитар соҳадаги алоқаларни янада кенгайтириш, сиёсий муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Анвар БОБОЕВ,  
ЎЗА мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

### ҲАМКОРЛИКНИНГ ИЗЧИЛ РИВОЖИ

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИ ВЛАДИМИР ПУТИН 1 СЕНТЯБРЬ КУНИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ БИЛАН ВЛАДИМИР ПУТИННИНГ 2 СЕНТЯБРЬ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА ЯККАМА-ЯККА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. СУҲБАТ ЧОҒИДА ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ БУГУНГИ АҲВОЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ, ХУСУСАН, ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА МАЖМУИ СОҲАСИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

Икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Владимир Путин Ўзбекистон Россиянинг Марказий Осиё минахташдаги энг муҳим ҳамкорларидан эканини алоҳида қайд этиб, мамлакатимиз билан икки томон учун ҳам манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тарафдор эканини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий муносабатлар дерайи барча йўналишларда, жумладан, авиасозлик, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва электротехника каби соҳаларда изчил ривожланмоқда. Мунтазам равишда бизнес-форумлар, кўргазмалар,

ҳукуматлараро комиссия мажлислари ташкил этилмоқда. 2007 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 48 фоиз ўсиб, 4,2 миллиард АҚШ доллари ташкил этди. Ўзбекистондан Россияга хомашё ва ярим хомашё мақсулотлар қаторида асбоб-усқуна, транспорт воситалари, озиқ-овқат мақсулотлари, пахта толаси, қора ва рангли металллар, пластмасса буюмлар ва бошқа турдаги юқори технологияли мақсулотлар экспорт қилинади. Россиядан Ўзбекистонга транспорт воситалари, металл қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати мақсулотлари импорт қилинади.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган беш юздан зиёд қўшма корхона фаолият юритмоқда. Улар орасида «Узэлектроаппарат-Электротриш» (электротехника мақсулотлари), «Андижон кабель», «Hi-Tech Kabel» (кабеллар), «Вим-Билл-Дан-Тошкент» (сут мақсулотлари), «Балтимор-Челак» (консерва),

«Элимлекс» (тўқимачилик), «Электротриш» (қурилиш материаллари), «Петромарузга» (кимёвий мақсулотлар) каби корхоналар бор. Юртимизда Россиянинг 145 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган уч юзга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

— Ўзбекистон Россиянинг энг муҳим ҳамкорларидан, — деди Владимир Путин. — Россия Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришга қаратаётган эътиборини юксак қадрайди. Стратегик ҳамкорлик тамойилларига асосланган иттифоқчилик муносабатларимизни изчил ривожлантириш тарафдоримиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратаётган эътиборини юксак қадрайди. Ўзаро алоқаларимиз юксак самаралар бераётгани бизни гоёя қувонтиради. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмининг мут-

тасил ўсаётгани савдо-иқтисодий ва сарможий алоқалар мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораётгани диккатга сазовор. Иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари, айниқса, ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳамкорликни, узоқ муддатли шериклик алоқаларини янада мустаҳкамлашдан манфаатдоримиз. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, қўшма корхоналар сонини ва мақсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Музокара юқинида Ўзбекистон билан Россия ўртасида 2008-2012 йилларда иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро дастурнинг тадбирлар режаси ҳамда Ерни ва фазони тинч мақсадларда тадқиқ қилиш ҳукуматлараро космик дастури имзоланди.

## ПОЙТАХТИНИНГ Бир кўни Янгиликлар, воқеалар



## ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ ШУКУҲИ

КУНИ КЕЧА БУТОН РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ КАБИ ШАҲРИМИЗНИНГ БАРЧА ТУМАНЛАРИДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Бугун жаннатларга қибс қилгулик она Ўзбекистонимиз боши узра эрк қўеши чарақлаган кунга 17 йил тўлди. Мустақилликдек олий неъмат эзгу орзу ниятларимизни ушлатиб, буюк қадриятларимизни тиклаб, ўзлимиз, борлигимизни бутун оламга танитди. 17 йил ичида асрларга татигулик оламшумул ишлар амалга оширилди, тарихга шох сатрлар билан ёзиб қолдиришга лойиқ бунёдкорлик, ободонлаштириш, кўчаларозлаштириш, элу юрт ободлиги, инсон саломатлиги йўлидаги ишлардан бутун атроф янаб, кўнглиларни фахр-ифтихорга тўлдирди. Кенг ва раvon қўчалар, муҳташам кўприklar, замонавий, гўзал бинолар, кўчаларимизни тўлдириб юрган, мустақиллик меваси бўлиш ўзимизнинг машиналар, халқаро майдонларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб юртимиз номини шарафларга буркаётган алп ўғлонлар, Барчиной издошлари бўлиш спортчи қизларимиз юракларимизни фахру гурурга тўлдирмоқда. Бундай саодатли кўнларга шўқронлар айтиб уни кўз қорачиқиде асраб-авайлашга қармоқда. 17 ёш — авжи навқирон, билаги кўшга тўлиб, ҳар қандай қийинчиликни писанд қилма озулар сари дадил одимлайдиган палла. Юртимиз жамоли кундан кунга чирой очётган, мустақилликдек олий саодатнинг кадр-қиммати янада ортиб бораётган кўнларда бутун республикамиз аҳолиси ушбу байрамнинг 17 йиллигини катта тантана ва қувонч билан нишонлади. Кўнглиларда туганмас орзу-умидлар, байрам шўқури каттаю кичик қалбларни мунаввар этиб халқ сайлига қорлади. Пойтахтимиздаги барча маданият ва истироҳат боғлари, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, «Авиасозлар» маданият саройи олдидида майдонлар, Сайилгоҳ кўчаси, «Янги Сергели», «Боғишомол» истироҳат боғлари, шунингдек, Ибн Сино гузари, «Ешлик» талабалар шаҳарчаси, «Нихол» спорт мажмуаларида бўлиб ўтган халқ сайиллари Мустақиллик байрамининг ниҳоятда қадри ва азия эканлигини кўрсатиб ўзгача тароват, кўтаринчилик, шодиеанларга бой тарзда бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

- **ЮНУСОБОД** туманидаги «Янгиёри» маҳалласида юртимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан уюштирилган байрам тадбирида туман фаоллари, маҳалла ахли, кам таъминланган оилалар аъзолари иштирок этишди.
- **МАМЛАКАТИМИЗ** Мустақиллигининг 17 йиллигига туҳфа сифатида Яққасарой туманидаги 72-мактаб биноси бунёдкорлар томонидан қайта реконструкция қилинди.
- **ИНСОН** ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишлаб шаҳримизда ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Инсон ҳуқуқларини таъмин-
- **ХАМЗА** туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бадий хаваскорлик жамоалари, ўқув курслари, спорт секциялари раҳбарлари, катнашчилари иштирокида уюштирилган тадбир Билимлар кўнига бағишланди.
- **ЮРТИМИЗ** Истиклолнинг 17 йиллиги тантана қилинаётган айти кўнларда «Тошкент шаҳар электр тармоқлари» очик акциядорлик жамияти ташаббуси билан ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида ташкил этилган янги ўқув маркази замонавий технологиялар билан таъминланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ ШУКУҲИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Байрам менга катта бахтни инъом этди, мустақиллик байрами нишонланганидан кунларда Президентимиз томонидан «Эл-юрт хурмати» ордени билан тақдирландим, — дейди набирасини етаклаб байрам томошаларидан бахраманд этакланган «Нуроний» жамғармасининг Тошкент шахар бўлими раҳбари Мухаммадjon Зуфаров. — Озми-кўпми, камтарона меҳнатларини шунчалик қадрлаб, юксак мукофотга лойиқ топиш экан, бундан кейин ҳам бор куч-ғайратимни элу юрт ободлиги, халқимизнинг фаровон ҳаёти учун бахшида қилишга тайёрман. Илоҳим юртимизга кўз тегмасин, мустақилликдек улугъ неъматнинг қадрига етайлик, уни асраб-авайлашга ҳар биримиз ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшайлик.

«Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону-шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» шиори остида ўтган халқ сайлида иштирок этган ҳам бир хамшаҳаримиз кўнглида мана шундай фарахбахш, тинч, осуда ўтаётган кунлар, мусоффо осмон, фаровон турмуш учун дилдан шукроналик, эртанги кунга катта ишонч туйғуларини уйғонган бўлса ажаб эмас.

— Бутун оиламиз билан Мустақиллик байрамини ҳар йили катта тантана билан нишонлаймиз, — дейди Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида дам олиб, ўғил-қизларига меҳр билан боқиб турган Арофат Йўлдошева. — Ўзим ўзбекистон Миллий университети ўқувчисиман. Фарзандларим Нодир ва Бехзодлар бу йил олий ўқув юрти талабаси бўлишди. Ўқиб, изланиб, интилиб, ўзлари хоҳлаган мутахассислик бўйича ўқишга киришди. Омадларини берсин, энг юқори балл олиб, меҳнатларим самарасини кўрсатишди. Қизим Маликахон академик лицейга кирди. Оналик бахти шу эмасми. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати ахир. Юртимизда ҳаммаша тинчлик-то-

тувлик бўлсин, оналар қувончи бутун оламга өтсин.

Шўх мусиқа, ўйин-кулгу авж олган давраларда бўлиб хамшаҳарларимиз қувончига, шодлигига шерик бўлдик, Истиқлол кўши дилларни чароғон этиб, кўнгилларга олам-олам қувонч, бахтиёрлик, шоду хуррамлик ато этаётганидан бошимиз осмонга өтди.

— Мен Мустақиллик тенгдошиман, — дейди Дилшод Убайдуллаев. — Президентимиз ғам-хўрлигида барча тенгдошларим каби касб-хунар коллежига имтиёзли қабул қилинган эдим. Тошкент Алоқа коллежининг 1-курсини тамомладим. Кунги кеча ўзим таҳсил олаётган ўқув масканига бориб уни таниёлмай қолдим. Ёзги таътил даврида қайта таъмирланиб, синф хоналари, спорт залларимиз замонавий, гўзал, бетакрор қиёфа касб этибди. Янги стол-стуллар, керакли жихозлар билан таъминланибди. Буларнинг бари биз ёшлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар яхши ўқушимиз, таълим-тарбия олишимиз учун албатта. Биз ҳам ушбу эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлишга ҳарқат қиламиз, яхши касб-хунар эгаллаб, элимизга, юртимизга хизмат қиламиз.

— Мустақиллик байрамини ҳар йили маҳалламизда катта шодийна билан нишонлаймиз, — дейди Хувайдо маҳалласи фахрлар йиғини раиси Фотиҳ Аскарлов. — Чиройли байрам дастурхони атрофида уруш ва меҳнат фахрийлари, табаррук кексалар, ёзувчи ва шоирлар, элу юрт вирожи учун меҳнат қилиб ҳозир нафақада бўлган фахрийлар ва ёшлар билан дилдан суҳбат кураммиз, қилган ишларимизни сарҳисоб қилиб, келгуси режалар ҳақида фикр алмашамиз. Ҳар бир қатнашчига моддий ва маънавий кўмак беришга имкон қадар интиламиз. Таниқли санъаткорларни тақлиф этиб тадбирни эсда қоларли қилиб ўтказамиз.

Озод ва обод юртга байрам қура ярашади. 1 сентябрь кун

жойларда ўтказилган халқ сайилларида етти ёшдан етмиш ёшгача хамшаҳарларимиз дилдан яйрашиб, кўнгиллар эзгу орзулар суруридан осмонларга парвоз қилди.

— Туманимиз аҳолиси кўшалок байрамни нишонлади, — дейди Ибн Сино гузариди бир гуруҳ маҳалладошлар даврасида байрамни нишонлаётган Шайхонтохур тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайёхон Пулатова. — Қанчадан қанча кўчаларимиз обод бўлди, бир қатор мактабларимиз қайта таъмирдан чиқарилиб жаҳон андозалари даражасида жихозланди, эътиборлиси Исломуниверситетининг янги биноси қурилиб, бутунлай янги қиёфа ва зарур шарт-шароитлар яратилган ҳолда фойдаланишга топширилди.

Байрам шодийналари маҳаллаларда ҳам давом этди. Янги гузарлар, спорт мажмуалари фойдаланишга топширилди, турли спорт мусобақалари ўтказилиб, голиблар муносиб тақдирланди.

— Ҳар йили аънавий тарзда таниқли шахматчиларни маҳалламизга тақлиф этамиз, — дейди Собир Раҳимов туманидаги «Чигатоҳ Оқтепа» маҳалласи оқсоқоли Хайрулла Мўминов. — Роса қизгин ўйинлар бўлади, ахир ақлни пешловчи шахмат ўйинида голиб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Кўшни маҳаллалардан меҳмонлар, ёзувчи ва шоирлар иштирок этадиган ушбу гуруннг каттага ҳам, кичикка ҳам маъқул бўлиб, голибларга эсдалик совғалари топширилади.

Шу кунги эрта тонгдан бошланган сайиллар, байрам тадбирлари то оқшомга қадар давом этди, тадбирларда қатнашчиларнинг кўнгиллари чароғон бўлди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА:**  
шаҳримизда бўлиб ўтган халқ сайилларидан лавҳалар  
Ҳакимжон Солихов олган суратлар



## АЙНИ ШУКУҲЛИ КУНЛАРДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ШОДИЁНАЛАРИ ЮРТИМИЗ БЎЛАБ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА.

Аждодларимиз номи ва ёдини тиклаш, ўз миллатимиз индиэлларини таниш, ўндан қувват олиб, қалбимизда Ватан ва миллат дарди билан яшаш ва шу орқали келажакни яратишга, буюклар олдида буюк бўлиб қаддимизни ростлаб туришга ўргатган Мустақиллигимиз 17 ёшга тўлди.

Давлатимиз раҳбари Истиқлолнинг 17 йиллик тўйига бағишланган тантанали маросимда «Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гарови» дея, бу кутлуг сана давлатимиз тарихида энг улугъ ва энг азиз эканлигини, қисқа вақт ичида эришилган юксак марралар ҳар биримиз учун гуруру ва ифтихор бағишлашини таъкидлади. Дарҳақиқат, шундай, зеро Истиқлолнинг нурафшон ва шу билан машаққатли йўлини биз бирга босиб ўтдик ва унинг неъматларига ўзимизни дахлдор деб билишга ҳаққимиз.

Бутун биз мустақиллик руҳини, янги замон руҳини ҳар жойда, ҳар бир жабҳада ҳис этаётимиз. Байрам кунлариди бундай ҳис-туйғулар янада жўш урмоқда. Одамлар шоду хуррамлиги, болажонлар кулгуси, шахару қишлоқларимизнинг бетакрор кўржи бунинг яққол намоёнидир. 1 сентябрь кунги бутун республикамизда каби пойтахтимизда ҳам Ватанимизнинг кутлугъ тўйига бағишланган халқ сайиллари бўлиб ўтди. Эрта тонгдан минглаб шаҳримиз аҳли ва меҳмонлари пойтахтимиз, мамлакатимиз бош майдони узра йўл олиб, ёш

давлатимизнинг қудрати ва салохияти улғуроллиги рамзи, яратувчан халқимизнинг эзгу мақсадларини ўзида тажассум этган Мустақиллик ва Инсонпарварлик мажмуаси атрофини гулларга бурқашди.

Байрам сайиллари бир-бирига уланиб, боғу роғларда, ҳиёбону саҳна кўринишидаги майдонларимизда давом этди. Бобур номидаги истироҳат боғига эса, аънанага кўра, маротаба ўз ифодасини топди. Чунони, Полак миллий маданий марказининг ёш ҳаваскорларини дастлаб бироз сўзлаб босган бўлсада, аммо биринчи бўлиб дастурни бошлаётганларидан қанчалар гурурланганларини сезиш қийин эмасди. Ҳаяжон эса бетиз бўлмади. Улар илк марта Ватан ҳақида қўшиқни ўзбек тилида ижро этишди. Бу кунги ҳар бир миллий

маданий марказ вакилларининг чиқишлари томошабинларнинг бетўхтов оққишларига сазовор бўлди. Ватан, дўстлик, муҳаббатни тараннум этувчи катта концерт дастури барча миллий маданий марказларнинг хонандаю созанда-лари ижросидаги аънавий «Ўзбекистон — умумий ўйимиз» қўшиғи билан якунланди. Аммо байрам тўғралари истироҳат боғи бўйлаб ташиқил этилган ижодий кўргазмаларда давом этди. Меҳмонлар турли халқлар миллий таомларидан ҳам бахраманч бўлишди.

— Шу ўринда умумий қадриятларимизга айланган кўп миллатли халқимизнинг бу жилвадор рангли ижодларида айниқса аёлларнинг ўрни устун келаятганини айтиб ўтиш жоиз, — деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фаридат Ақбарова. — Бу эса яна бир бор жамиятимизда аёлларнинг ўрни фаоллашиб бораётганидан далолат

бераётир. Хотин-қизлар ўз имкониятлари ва салохиятини намоён этиши учун давлат томонидан яратилган шарт-шароитлар қўламини бекуёс. Муболагасиз, мустақиллик биз, аёлларга, тўлиқ эркинлик, ооздлик ҳада этди.

— Бунинг тасдиғи сифатида менинг фаолиятим мисол бўла олади, — деди Рус миллий маданий маркази раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Тошкент шахар Кенгаши депутати, 50-мактаб директори Светлана Герасимова. — Мустақиллик ҳар бир давлат учун катта ютуқ. Ўзбекистон 17 йиллик тўйини ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳалардаги асрларга татигулик ютуқлар билан қаршилади. Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис юқори палатасининг навбатдаги ялғи мажлисида яна бир қатор янги қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Олий Мажлисининг мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги қарори эса қонуни четлаб ўтган шахслар айбини кечиритишдек энг инсонпарвар, энг олижаноб ҳужжатдир. Бу дегани мустақил юртимиз инсон, унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган демократик, яъни ҳаётий таъмолиларга асосланган ҳолда буюк давлат сари

танланган йўлини давом эттираётир... Фурсатдан фойдаланиб, шу йил 20 сентябрь кунги Рус миллий маданий марказининг янги уйи очилиши маросимига барчани тақлиф этиб қолам.

Кўтаринки байрам кайфияти Қозоқ миллий маданий маркази жойлашган майдонда ҳам авжда бўлди. Бу ерга жойлаштирилган ўтов кўпчилик учун қизиқарли эди, аммо аслида томошабинлар эътиборини, назаримизда, Қозоғистондан ташриф буюрган «Жетти сой» симфоник оркестри ижросидаги наволар кўпроқ жалб этаётганди.

— Миллий байрамимизни нишонлашга тақлиф этган ўзбекистонлик биродарларимизга миннатдорчилик билдириб қолам, — деди жамоа раҳбари, Жеттисой университети профессори Бори Исоев. — Мамлакатимизда гўзал, Тошкент эса ҳар доим озод, кўркам, ям-яшиллиги билан мени мафтун этади. Бизда ҳам

тожик, ўзбек, рус, корейс марказлари очилган ва уларнинг фаолияти анча кенгайиб бормоқда. Шу йил декабрь ойида Қозоғистон ўз мустақиллигини нишонлайди. Ният қиламанки, бу байрамни биз ҳам яқин қўшимиз — ўзбекистонлик дўстларимиз даврасида биргаликда ўтказамиз.

Уйғур қавми Мустақиллик байрамини қўш хурсандчилик билан кўтиб олди. Ўзбекистон халқ расмоси Леким Ибрагимов яқинда Россия бадий академиясининг академиги унвонига сазовор бўлди. Бундай эътирофга ўзбекистонлик расмослар илк марта эришдилар.

— Ватаним — Ўзбекистоним учун бу менинг билан тўғра тўғра бўлди, — деди Леким Ибрагимов. — Аждодларини улуғларин бу заминда тугилиб ўсдим, ижод билан шугулландим ва мана шундай шухратга эришиб турибман. Бу ҳақда алоҳида таъкидлашимнинг сабаби бор. Истардимки, истезодли, мақсадлар сари интилувчан ёшларимиз ҳам ота-боболаримизнинг меросини янада кўп билса, чўқурроқ ўрганса, уларнинг баркамоллиги янада мустаҳкам бўлаверади. Кунги кеча очилган ёшлар ижод саройида ёш расмослар учун маҳорат мактабини ўтказдим. Фарзандларимиз қизиқшини, ангилликлардан воқиф бўлишга қанқорлигини кўриб, ҳайратландим. Демак, уларга бемалол эртанимиз, келажакимизни ишонинишимиз мумкин...

Дарҳақиқат, Мустақиллигимизнинг 17 йиллик шодийналари ёшлар йили доирасида нишонланмоқда. Байрам арафасида пойтахтимизда олтига касб-хунар коллежи, тўртта академик лицей, 20 дан зиёд мактаблар тубдан таъмирланиб, янги замонавий қўринишда фойдаланишга топширилди. Янги ўқув йилида яна бир олий ўқув юрти — Сингапур менежментини ривожлантириш институти фаолият бошлади. Бу халқаро тоифадаги бешинчи олий таълим маскани мамлакатимиз дунё майдонидида нуфузи мустаҳкамлашиб бораётганининг исботидир. Бундай ўтган ютуқларимизни, шубҳасиз, мустақиллигимиз билан боғлаймиз. Шу юрт фарзандлари эканми, бизга буюк неъматни инъом этган мустақиллигимизнинг абадий бўлишига ўз ҳиссамизни қўшишга интилиб яшайлик.

**Ильмира ЗАЙНУДИНОВА**  
Абу Ҳабиб олган сурат

# GERMANIA DELEGATSIYASI — OZBEKISTONDA

**МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН GERMANIA FEDERATIV RESPUBLIKASI FEDERAL MUDOFAA VAZIRI FRANTS-IOZEF YUNG RAHBARLIGIDAGI DELEGATSIYA 2 SENTYABR KUNI OZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRI RUSLAN MIRZAEV BILAN UCHRASHDI.**

Мулукот чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда, жумладан, ҳарбий йўналишда ҳам жадал ривожланаётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳар соҳада изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этишни истар эдим, — деди Франц-Йозеф Юнг. — Ўзбекистон билан барча жабҳалар қатори ҳарбий соҳадаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тарафдоримиз. Ҳамкорлигимизнинг истиқболли порлоқ эканига ишонаман.

Учрашувда икки мамлакат ўртасида ҳарбий соҳадаги алоқаларни янада ривожлантиришга, минтақавий ҳавфсизликни мустаҳкамлашга, ўзаро тажриба ва ахборот алмашишни фойдалантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Биргаликда янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

(ЎзА)

# ИШБИЛАРМОНЛАР БИЗНЕС-ФОРУМИ

**ТОШКЕНТДА "CREDIT SUISSE" ХАЛҚАРО МОЛИЯ ГУРУҲИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ ДОИРАСИДА OZBEKISTON RESPUBLIKASINING TEGISHLI VAZIRLIK, IDORA VA ISHBIЛАRMON DOIRALARI ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА БИЗНЕС-ФОРУМ БЎЛИБ OТДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва қўмаклашиш агентлиги — «Узинфинвест» томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда «Credit Suisse» гуруҳининг Германия, Бирлашган Араб Амирликлари, Миср, Баҳрайн, Сингапур, Швейцария, Испания, Нидерландия, Канада, Бельгия каби мамлакатлардаги ишбилармонлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Ш.Тулаганов мамлакатимизда Президент Ислому Каримов раҳнамолигида иқтисодийнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган изчил ислохотлар халқаро молия ташкилотлари билан алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим омили бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Юртимизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда бизнес юритиш учун қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар яратилган. Форумда меҳмонларга мамлакатимиз иқтисодийига инвестиция жалб этишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. «Credit Suisse» Халқаро молия гуруҳи делегацияси мамлакатимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодийимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар, банк тизимида қўламлилаётган янгилликлар, ривожланиш босқичлари билан яқиндан танишдилар.

— Ўзбекистонда нафақат савдо-иқтисодий, балки бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорликни кенг ривожлантириш учун қулай шароит мавжуд эканлигига яна бир бор амин бўлдик, — деди «Credit Suisse» гуруҳининг Швейцариядаги вакили Юбер Мартин Виванн. — Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқшимиз катта. Бугунги форум икки томонлама алоқаларнинг мустаҳкамлашишига хизмат қилади, деган умиддамиз.

Тадбирда «Credit Suisse» Халқаро молия гуруҳини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар атрофида муҳокама қилинди. Бунда Ўзбекистон билан маъқул молия муассасаси ишбилармонлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Анжуманда томонлар савдо, банк-молия, ёқилғи-энергетика, авиасозлик, машинасозлик, транспорт коммуникациялари, геология ва минерал ресурслар, озиқ-овқат, кимё ва энгил сановат, қурилиш ҳамда фармацевтика каби соҳалардаги ҳамкорликнинг истиқболлари юзасидан атрофида фикр алмашди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**  
ЎзА муҳбири

## Тиббиёт

# ЯНГИ КЎКРАК НИШОНИ

**«OZBEKISTON RESPUBLIKASI FAXRIY DONORI» KЎKRAK NIШONI TAЪSIS ETILDI. «QON VA UNING TARKIBIY QISMLARI DONORLIGI TЎGRIСIDA» GI OZBEKISTON RESPUBLIKASI QONUNI DOIRASIDA BADAЛSIZ DONORLIKKA IMTIЁZ BERISH VA RABATLANIRISHNI TASHKIL ETISH MAQSADIDA JORIY ETILGAN BUNDAI MUКОFOT NIZOMI HAM TAYЁRLANDI.**

Унга кўра, кўркак нишонини билан тақдирланган кишиларга иш жойи ёки ўқув муассасасидан санаторийларга бепул йўлланмалар ажратилади. Шунингдек, улар «Қон инсонлар хизматида» республика жамғармаси томонидан ҳам қўллаб-қувватланади.

# ЖАМОА КЕЛИШУВИ ДОИРАСИДА

**СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УOШМАСИ ШИФОКОРЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШДА ФАОЛЛИК КЎРСАТИБ КЕЛМОҚДА.**

Уюлма Марказий Кенгаши билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида тузилган икки томонлама жамоа келишуви бўйича ҳам қўлгина саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу ютуқлар яқинда сарҳисоб қилинди. Айни вақтда «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини амалга ошириш юзасидан қўшимча режалар белгилаб олинди. Унга кўра, иқтидорли ёш шифокорларга имтиёзлар бериш, моҳир хамшираларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади.

**Ақбар АЛИЕВ**

Ёшлар — келажгимиз

**БИРИНЧИ ҚҰНФИРОҚ САДОСИ**

**ЭНГ УЛУФ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНИБ КҰНГИЛЛАР ҚУВОНЧУ ШОДЛИККА ТҮЛГАН ҚУТЛУҒ КҰНЛАРДА РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ БАРЧА ОЛИЙ ҲҶУВ ЮРТЛАРИ, КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ЯНГИ ҲҶУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЭСА БИРИНЧИ ҚҰНФИРОҚЛАР ЖАРАНГЛАДИ.**

Порлоқ келажакнинг бахтиёр гулгунчалари бўлиши янги бир авлод таълим-тарбия масканининг нури оstonасига илк кадами кўйди.

Хусусан Учтепа туманидаги 106- мактабда ҳам биринчи кўнғироқ тадбири катта тантана ва кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Чиройли ва байрамона безатилган мактаб ҳовлисига аввало ўқувчилар — мураббийлар, маҳалла фаоллари, ота-оналар, юқори синф ўқувчилари, биринчи синфга қабул қилинаётган болажонлар ва тадбирга тақлиф этилган меҳмонлар кириб келдилар. Кўзларда ҳаяжон, кўларда эса ранг-баранг анвоий гуллар. Мактаб оstonасига эндигина кадам қўйган жажжи кичкинтой-

ларнинг ҳаяжон ва энтиқиш билан кўлларидан тугган устоzларига қарашларидаги меҳр-муҳаббатни сўз билан тасвирлаш қийин. Бутун олам бахти шундадир балки, бахтиёр, беозор, беғубор болалиқнинг мустақиллик томон қўйилаётган илк қадамлари қутлуғ бўлсин.

Тадбирда сўз олган 106- мактаб директори Равшан Шукуров, маънавият-маърифат ишлари бўйича раҳбар ўринбосари Фарида Фуломова, «Дегрез» маҳалласи раиси ўринбосари Омонулла Мадиев ва ота-оналар номидан Назокат Умаровалар йиғилганларни мустақиллик байрами, янги ўқув йилининг бошланиши билан табриқлаб юртимизда таълим тизими ривожига кўрсатилаётган

эътибор ва ғамхўрлик, яратилган шарт-шароитлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

— Таълим даргоҳимизни бу йил 157 нафар ўғил-қиз битириб барчалари касб-хунар коллежларига ўқишга жойлашдилар, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Равшан Шукуров. — Мана янги ўқув йилини ҳам мактабимизда барча таъмирлаш ишларини сифатли амалга оширган ҳолда, ўқувчиларни шинам ва ораста синф хоналарида, билим олишлариغا барча шарт-шароитни яратиб қўйиб олмоқдамиз. Бу йил 1-синфга 100 нафар кичкинтойни қабул қилдик. Шу тариқа ўқувчиларимиз сони 1267 нафарга етди. Уларга 70 нафар

юқори билимга эга бўлган, ўз касбининг фидойиси устоzлар сабоқ берадилар. Мактабимиз она тили, математика, инглиз тиллари буйича чуқурлаштирилган билим беришга ихтисослаштирилган. Жорий йилдан янги, охири русумдаги компьютерлар билан таъминланган синфлар очилиши режаланган, насиб этса ушбу режамиз яқин кунларда амалга ошади.

Тадбирнинг бадий қисмида юқори синф ўқувчилари ижросида она Ватан, дўстлик, меҳр-муҳаббатни тараннум этувчи шеър ва кўшиқлар янгради.

— Мен 393-боғчада шеърлар ёдлаб, санашни ўрганиб мактабга чиқдим, — дейди мактаб кўнғироғини жаранглайтиб чалга-

нидан бир олам қувонгача тўлиб, йшнаб турган қизалоқ — Асала Абдурахимова. — Албатта фақат аъло баҳоларга ўқийман, бугунги кунни ҳеч қачон унутмайман.

Зеро фарзандларимиз — келажгимиз, умид-ишончимиз. Уларга буғун берилаётган ҳаёт сабоқлари пишиқ-пхта пойдевор бўлиб эртаимизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилади. Шундай экан бу йўлда асло қарчамаслик, балки фидойилик билан бошқаларга ибрат кўрсатиб яшаш керак.

**Шаҳризода МУХСИМОВА СУРАТЛАРДА: 106-мактабда бўлиб ўтган «Биринчи кўнғироқ» тадбиридан лавҳалар. Ҳақимжон Солихов олган суратлар**



**СИРЛИ ОЛАМ**

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

● Япониянинг «Ниссан» компанияси ҳайдовчининг ичкилик ичмаганини аниқлаганидан сўнг ҳаракатга келаётган автомобиль ишлаб чиқарди. Хабарларга қараганда, машинага ўрнатилган янги хавфсизлик тизими сарху ҳайдовчининг автомобиль бошқаришига йўл қўймайди. Машинага ўрнатилган махсус қурилма нафас ва тердаги спирт ҳидини аниқлаш хусусиятига эга.

● Беларусь фуқароси Александр Бендикс 350 кутдида жойлашган 18 мингта гугурт донасида ўзига хос тарзда пирамида барпо этди. Юз қатламли пирамида шампань виноси идиши оғзида ётган иккита гугурт чўпи устида туради. У «машҳур бино»ни бир ҳаракатда барпо этгани йўқ, бундан аввалги уринишида 14 мингта гугурт кутидан иборат «пирамида» энди-энди яқунланаётганда қулаб тушганди. Александр Бендикс ўзининг қурилмасини «Кубок галабаси» деб номлади ва уни Пекиндаги Олимпиада мусобақаларида мамлакат шарафини ҳимоя қилган спортчиларга бағишлади. Александр Гиннеснинг рекордлар китобига ариза билан мурожаат қилган ва унинг кўрсаткичи яқин кунларда қайд этилиши арафасида. Клаверса у аввалроқ доминодан, кейин эса пиво шишасидан, шунингдек, тангалардан ҳам дунёдаги энг катта пирамидаларни ясашга муваффақ бўлган.

● Глобал исишнинг асосий сабабчиси бўлган парник газини камайтириш мумкин, дейилади Колумбия университети илмий-оммабоп нашрида. Олимларнинг фикрича, техноген газлар орбит кетиши туфайли улар атмосфера қобилини қошибдек ўқиб олиб, иссиқликнинг фазога тарқалишига халақит бермоқда. Буни бир неча усул билан бартараф этиш мумкин. Мэриленд штати университети мутахассислари ҳаводаги парник газини ютувчи махсус ўрмонлар ташкил қилиш ва бу дарактларни кейинчалик чириб ёки ёниб кетмаслиги учун шахталарга қўмишни тақлиф қилган.

● Нефть инсониятга азал-азалдан маълум бўлган. Бироқ, «Ер мойи» XX аср бўсағасидагина қайта ишланди, ундан сифатли ёнилғи маҳсулотлар олина бошланди. Дастлаб одамлар қора олтиндан «оқ», яъни юқори сифатли суюқ ёқилғи (керосин ва бензин) олишни ўрганишган. Фақат керосиндан фарқи ўлароқ, аждодларимиз бензиндан фойдаланишни билмаганлар. Бензин бир неча юз йиллар давомида ўта хавфли «чикинди» ҳисобланган. Нефтни қайта ишловчи корхоналар бензиндан халос бўлиш мақсадида уни ҳеч қандай билдирмай денгизга оқизиб юборишар эди. XX асрга келиб, юз минглаб тонна бензин бекордан бекорга ёқиб юборилади. Ички ёнув двигатели ўйлаб топилгангина хавфли «чикинди» номини олган бензин росмана кадр топди.

● Дунёда ажабтовур ҳайвонлар кўп. Қуйида шулардан иккитаси билан танишишигиз мумкин. Улардан бири Аие-аие бўлиб у приматлар оиласига мансуб ҳайвон. Унинг танасининг узунлиги 40 сантиметрни ташкил этади. Думининг узунлиги эса 60 сантиметрдан ошмайди. Аие-аие асосан Мадагаскар оролларида яшайди. У худди қушлар каби дарахт қавақлари ҳамда инларда жон сақлайди. Аие-аие манго ва курт-кумурсаларни еб кун қўради. Томчи балиқни асосан Австралия ва Тасмания ороллари соҳилларида учратиш мумкин. Бироқ томчи балиқни кўриш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Балиқ яширин ҳаёт кечиршига одатланган.

● Олимлар инсоният учун қайси ҳолат биринчи бўлиб қулишга сабабчи бўлганини аниқлашди. Узок вақт мобайнида олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлдики, ҳазил 2 миллион йил муқаддам шаклланган. Британиянинг «Сан» газетасида ёзилишича, горда яшайдиган троглодит қабили аъзоларини жамоадолларнинг тоғша қоқилиб йқилишлари қулдира олган экан. Тасдиқланган маълумотларга кўра эса, инсонлар 4 миллион йил муқаддам қулишни билганлар. Фақат унда юз мушакларининг яхши шаклланмагани учун одамнинг қулиши хириллаётгандек эшитилган.

● Буюк Британияда яна бир антиқа пойабзаллар ишлаб чиқарила бошланди. Бу ерда дунёда биринчи марта ўт-ўлдан пойабзал тайёрланди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, «Кей-Кей» компанияси томонидан кашф этилган ушбу оёқ кийим юрши учун жуда қулай. Маълумотларга қараганда, агар ўтлар мунтазам намлаб турилса, пойабзал ўз эгасига тўрт ойгача хизмат қилиши мумкин.

● Sony компанияси автоматик тарзда инсон табассумини илғай олувчи функцияга эга бўлди. Агарда Smile Shutter режими ишга туширилган бўлса, унда Handycam HDR-CX 11E камераси мустақил равишда қулаётган инсонларни суратга олаверар экан. Маълумки, бундай функция авваллари фақат рақамли фотокамералардагина мавжуд эди. Энг қизиги, видеокамера қулаётган объектни ўзи аниқлайди. Бу ишда унга 10,2 мегапикселли сезувчан сенсор ёрдам беради. HDR-CX 11E камерасининг 12 каррали объективи Carl Zeiss оптик асосида ишланган. Sony Handycam HDR-CX 11E суюқ кристалли экраннинг диагонали 2,7 дюйм бўлиб, у ўз навбатида суратга олинган кадрларни кўриш имконини беради.

● Бугунги кунда ўз эгасини ҳар хил йўллар билан уйғотадиган будильниклар мавжуд. Қучли товуш ёрдамида: шунингдек, хонада югуриб юрувчи ва хатто учиб юрувчиларгача. Бироқ, тайванли дизайнер Элис Уэнг томонидан яратилган модель ҳаммасидан ошиб тушди. «Уйғотиш санъати»ни янги босқичга олиб чиққан бу мосламани табиатга мос ҳолда, яъни «босқинчи» деб номлашган. Унинг хусусияти шундаки, уйғотилгандан кейин ҳам «яна салгина мизғиб олиш» ниятида бўлган эгасини тинч қўймайди. Уч дақиқа ўтиб у уйкучи хўжайинининг танишларига (мобил телефондаги рўйхатдан бирортасига) кўнғироқ қила бошлайди. Албатта ширин уйкуни ураётган ёки сахардан ўз ишлари билан банд бўлган дўстларингиз сиздан ранжиши, қайтариб кўнғироқ қилиши мумкин. Буни билган будильник эгаси қандай қилиб бўлса ҳам уйғониши табиий. Буласма, бу кичкина сурбет мослама ҳар уч дақиқада яна биринчи безовта қилавериб, барча танишларингизни сиздан бездириши турган гап деб ёзади «prochitano.ru» сайти.

**ОИЛА — ЖАМИЯТНИНГ БИР БЎЛАГИ. ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ БАҚАРОЛИГИНИ, МЎЪТАДИЛЛИГИНИ УНДАГИ МАВЖУД ОИЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ТУРМУШ ДАРАЖАСИДАН АНГЛАБ ОЛИШ МУМКИН. ШУ БОИС ХАМ ЮРТИМИЗДА ОИЛА АВЛОДЛАР ДАВОМИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН, ФАРЗАНДЛАР КАМОЛГА ЭТАДИГАН АЗИЗ ДАРГОҶ СИФАТИДА УЛУГЛАНАДИ. АЙНИҚСА, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА, ЖАМИЯТИМИЗДАГИ ОИЛАГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ ТАМОМИЛА ҲАМ ҲАМ ТАКОМИЛЛАШДИ. ЭНГ МУХИМИ, ОИЛАНING ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИГАН КЎПЛАБ ҲУЖЖАТЛАР ҚАТОРИДА, 1998 ЙИЛ ОИЛА КОДЕКСИ ДУНЁГА КЕЛДИ.**

**ОИЛА ҚОНУНЧИЛИГИ — УСТУВОР МАСАЛА**

Оила барқарорлигини умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида таъминлашга доир қоидаларни ўзида қамраб олган оила кодекси — оила қонунчилигида муҳим ҳужжат ҳисобланади. Бу ҳужжат оиланинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлайди, ижтимоий тадбирларни амалга оширишга имкон туғдиради.

Ана шу қоидаларга асосан, ҳозирда барча туманларда «Оила — муҳаббат қасри» деб номланган жамоатчилик асосида бошқариладиган махсус мактаб фаолият олиб бормоқда. Унда туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жағғармаси сингари жамоат ташкилотлари мутасаддилари иштирок этади. Бундан ташқари оила қонунчилигини белгилайдиган ҳужжатлар тўғрисидаги тарғибот тадбирлари жойларда мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Бундай тадбирлардан қўзғалган мақсад — она ва бола саломатлиги тамойили асосида оила ташкил этилишига эришилмоқда. Чунки, мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишидан бирига айланган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилинган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори оили шу мақсадга хизмат қилмоқда. Бу йўналишда айни боғида қўзғалган сазй-ҳаракатлар натижасида оила қураётган ёшларнинг деярли барчаси ушбу жараёнга жалб қилинмоқда. Натижада тиббий-кўрик пайтида аниқланаётган айрим хасталикларга никоҳдан аввал барҳам берилмоқда.

Унга қўра, никоҳдан ўтадиган шахслар аввало, тиббий кўрикдан ўтиши учун яшаш жойидаги тегишли тиббий муассасаларга юборилади. Улар руҳий, наркологи, таълим касалликлари ва ОИТС юзасидан кўздан кечирилади. Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриги яшаш жойидаги шифокорлар томонидан ФХДЭ органлари берган йўлланма бўйича бепул амалга оширилади. ФХДЭ ходимлари никоҳланувчи шахсларнинг тиббий-кўрикдан ўтганликлари тўғрисидаги маълумотни олганларидан сўнг никоҳ қайд этилади. Бу эса мустақил ҳаёт олдидан ўзига хос имтиҳон вазифасини ўтайди.

Оила қонунчилигининг яна бир ўзига хос жиҳати никоҳнинг расмий қайд этилиши, унда иштирок этаётган йигит ва қизнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини юзга келтирилади. Оила қураётган бугунги ёшлар ичида бу жараёнга, тадбиркорлик қобилияти ёки интеллектуал салоҳияти билан моддий-молиявий жиҳатдан анча нарсага эришганлари кўпчиликини ташкил этади. Эр ва хотиннинг никоҳга ўзига тегишли бўлган мол-мулк, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳада, мерос тариқасида ёки бошқа битимлар асосида олган мол-мулк фақат ўзининг мулк ҳисобланади. Шу маънода эр-хотиннинг биргаликда умумий мулк эса уларнинг никоҳ давомида орттирган, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар умумий маблағлари ҳисобига олинган буюм ёки бошқа нарсалари бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси никоҳ шартномасида акс эттирилса, оила аъзоларининг мулкий ҳуқуқлари таъминланиб, ўзаро келишмовчилик чиқилиши олдидан олинади.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатида олингунга қадар ёки никоҳ даврида тузилиши мумкин. Никоҳ рўйхатга олингунга қадар тузилган шартнома у давлат рўйхатида олинган кундан бошлаб қучга қиради. Шартнома ёзма шаклда тузилади ва албатта нотариал идора орқали тасдиқланиши шарт.

Мухтасар айтганда, оила ва никоҳ бизнинг миллатимизда ўзига хос муқаддас қадриятдир. Шунинг учун улар нафақат қонун, агар таъбир жоиз бўлса, азалий маънавий қадриятларимизга бўлган эҳтиром асосида ҳам ҳимоя этилиши, ардоқланиши лозим.

**Барно НАБИХОДЖАЕВА, Учтепа тумани ФХДЭ бўлими ходими**

**СОҒЛИҚ — ТУМАН БОЙЛИК**

Ҳаёт ҳар бир кишига улкан ва бебаҳо тўхта инъом этади, бу куч-қувватга тўла ёшлик, билим ва курашга чанқоқлик, ишонч ва орзу-умидга тўла ўспириликдир. Бекорга ҳам кўпни кўрган кексалар «Ёшлиқнинг қадрига етинг», «Гулдек умрингизни беҳуда ҳаю-хавасга сарфлама», «Заҳри қотил билан зинҳор ошно бўлмаг. Ким унинг домига учрабди, демек у ёшлигини, бутун ҳаётини елга суворибди» дейишмайди. Лекин бу доно ўтларга ким амал қилади, кимлар уни четлаб ўтишга ҳаракат қилади. Афсуски шундайлар нафақат ўзларини, балки ўзгаларнинг бахтига ҳам баъзан зомин бўлишади. Хуллас бундай ўзбошимчилик оқибати турли фожеаларга олиб келади. Ушанда қилмишларига пушаймон бўлишади. Беҳуда ўтган умр учун тавба-тазарру қилиб, надомат кечкишади. Лекин афсуски вақт ўтган, сўнгги пушаймонга ўрин қолмаган бўлади.

Яқинда бир дўстимиз яққа ёлғиз қизини бой-бадавлат оилага турмушга берди. Унча қанча-қанча совчилар бу хонадон эшигига келиб-кетишди. «Кизимиз ўқиган, олий маълумотли. Уни ўзига ўхшаган ўқимйишли, бой-бадавлат оилага берамиз», дея уй эгалари келган совчиларни эшикдан

секинроқ, ҳайдан, йўлда танбех берди ўка акага. Бу гапдан Камолжоннинг асаби баттар қўзи.

— Менга қара, жим кетсанг кет. Бўлмаси тушириб юбораман машинадан.

Энди Баҳромжон ҳам жаҳл отига минди.

— Нима машинангизга оғирлик қилдимми? Бунақа бўлса тўхтагинг тушиб қоламан.

Ўқдек учиб бораётган машина қаттиқ тормоз бериб йўл четидан тўхтади.

— Қани машинадан туш, — ўшқирди ака укага.

Баҳромжон қизариб-бўзариб машинадан тушиб эшикни қаттиқ ёпди. Акаси сўкинганча уни оро йўлда қолдириб машинани ҳайдаб кетди. Биринчи йўловчи машина Баҳромжоннинг ишораси билан тўхтаб уни кабинага олди. Қанча юришди билмайди. Баҳромжон ҳайдовчининг ҳайратомуз бақиривидан ўзига келди. Бундай кўзини очиб қараса, акасининг машинаси тўрт гилдираги осмондан бўлиб кўча ўртасида ағдарилиб ётарди.

Эртасига ака касалхонада ҳушига келди. Кўзини очиб тепасида турган укасига қарадию, бир зум бўлиб ўтган воқеаларни эслаб ҳижолатдан кўз юмди.

**КЎНГИЛ ГУЛДАН НОЗИК**

Йўл юрган одам турли тасодифларга дуч келади. Ўтган шанба кuni рўзгор ташвиши билан кўчага

**ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН**

**ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ**

қайтараверишди. Хатто қизларининг ўзи кўз остига олиб қўйган йигитга ҳам камбағалиги туфайли нури дийдаларини раво қўришмади. Ниҳоят йиллар ўтиб, биринчи турмушидан ажралган бой-бадавлат йигитнинг уйдан келган совчиларга кўнғиллари йийди.

— Авайлаб-асраб юрган қизимизни турмуш курган йигитга берамизми, хотин, — дея ота кўнмади.

— Вой отаси, мен сўраб-суриштирдим. Ҳамма гап келин томонда экан. Тўйдан кейин билишса келин суюқоёқ экан. Бир эмас, бир неча жазманлар бор экан. Шундан кейин ёпиғил қозон ёпиғилгича қолсин деб ҳар икки томон ими-жумида ажралишибди, — деб хотин эрини кўндиришга уринди.

Хуллас, тўй тараддуди бошланди. Ҳақиқатан тилга тушгудек тўй бўлди. Лекин тўйдан икки-уч ҳафта ўтар-ўтмас орада гап чиқиб қолди. Нима дейсан қувёб гиёванд экан. Қиз уйга қайтиб келди. Қудалар бир-бирлари билан ўз кўрмас бўлишди.

Гиёвандликнинг боши аслида ичкилик. Сабаби, кўпинча спиртли ичимликка ружу қўйган инсонларда заҳри қотилга ўтиш даври ўзгаларга нисбатан тезроқ ўзи беради. Шундай экан шу ўринда ичкилик боис содир бўлган бир воқеани келтирсак фойдадан холи бўлмас.

Уша дам олиш кuni ака-ука кун бўйи бирга бўлишди. Анчадан бери кўришмаган қадрдонлари Салимжонниқига йўқлаб боришди. Ушбу йўқловдан боши осмонга етган мезбон қадрдонларини уйга бошлади. Дастурхонга тақлиф этиб, кўлларига бир пиёладан чой тутди. Кўп ўтмай, хонага қадрдонларнинг ўғли икки шиша ароқ келтириб қўйди. Бир зумда дастурхон устидан турли газаклар ўрин олди.

— Анчадан бери кўришмадик. Соғинишиб қолганмиз, бироз гурунглашайлик, — дея пиёдаларга ичкилик қўя бошлади Салимжон...

Мезбонлар алла-паллада ўринларидан қўзғалишди. Ака-ука чайқалиб кўчага чиқишди.

— Машина қола қолсин, эртага олиб кетарсан. Шу ахволда уни ҳайдаб кетолмайсан, — деди хонадон эгаси Камолжонга.

— Хавотирга ўрин йўқ. Рулга ўтирсам ҳушёр тортиб кетаман, — эътироз билдирди у.

Баҳромжон ҳам мезбоннинг тақлифига қўшилди. «Шу ахволда қандай машинада кетамиз. Эрталабгача қола қолсин, бирор йўловчи машинада кетармиз», деди акасига. Уканинг бу гапи акага оғир ботди.

— Қачондан бери менга ақл ўргатадиган бўлиб қолдинг. Индамай ўтиравер машинага, — буюрди ака укага.

Баҳромжон ноилоҳ қабанага ўтирди. Ўт олган мотор бир силтандио гилдирақларидан олов чакна-тиб юриб кетди.

— Ҳеч нарсдан қуруқ қолаётганимиз йўқ. Сал

чикдик. Кичик Халқа йўли бўйлаб Қорақамбш томон бораётган эдик «Нукус» кинотеатри, республика кўз касалликлари шифохонаси томон бурилишда йўл четидан турган «Жигули» машинасини орқа томондан келган «Нексия» машинаси салгина туртиб юборибди. «Нексия»нинг олди томондаги ўнг чироғи қопламаси синганини ҳисобга олмаса, у бутунлай зарарсиз, шакластанмаган. «Жигули»нинг эса чап қароти бироз пачоқланган. Ҳайдовчилар инсофли бўлишса келишиб кетадиган гап. Лекин ҳар иккаласи газабда. «Мен айбдор эмас, сен айбдорсан» деб бир-бирларининг кўнғилларига озор беришдан тўхташмайди. Атрофини томошабин ўраб олган, Тўпланганлар орасида «Ҳой барака топкурлар асабни жиловланглар, кўнғил гулдан нозик, беҳудага унга озор берманглар. Машина темир, уни тузатса бўлади. Энг муҳими ўзларингизга зиён-заҳмат етмаган. Шунисига шукр қилинглар» дейдиган одам йўқ.

Ниҳоят орага бир кекса отахон тушди. Ҳар иккала ҳайдовчининг инсофга чақирди. «Нексия» ҳайдовчиси зўр-базур айбини тан олди. «Жигули»га етказган зарарини тўлайдиган бўлди. Шу билан асаб-бузарлик барҳам топди. Томошабин тарқади.

Шу воқеани кўзатиб туриб ўйланиб қолдик. Келишса бўладиган иш экан, наҳот шунинг иккала ҳайдовчи олдидан ўйлашмади. Нега беҳудага бир-бирини ҳақоратлашиб кўнғилларига озор беришди.


Азизлар, кўнғил гулдан нозик. Уни бўлар-бўлмасга ўқситмайлик.

**КАМТАРГА КАМОЛ**

Яхшилик йўлида қилинган меҳнат ҳеч қачон зое кетмайди. Қачон, қарерда, қандай ва нимаики қилинса, хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик ҳаммаси ҳам бир кунни ўз мевасини беради. Минг афсуски, яхшиликни қадрловчилар билан бирга, унинг қадрига етмайдиғанлар ҳам бор. Шуни эътиборга олиб донолар айтди:

— Уч хил кишига яхшилик қилиб бўлмайди. Биринчиси дангаса, ишқамасларга. Боиси улар экин ўсмайдиған тошлоқ ёки шўр ерга ўхшайди. Унга қанчалик яхшилик уругини сепмагин, барибир қўқариб қимайди. Иккинчиси, орсиз ва ҳаёсиз кишилар бўлиб, уларга яхшилик қилсанг буни тушуниш ёки раҳмат айтиш ўрнига мендан қўрққандан қиялпти, деб ўйлайди. Улар янада тумшукларини кўтариб, янада кўпроқ нарсас талаб қиладилар. Яна бири аҳмоқ кишилар бўлиб, сен қилган яхшиликнинг қадрини билмайдилар, унинг фарқига бормадилар.

Камтарлик яхшининг фазилати, худбинлик ёмоннинг иллоти, Қиссадан ҳисса хар кимнинг ўз ҳукмига ҳавола.



**МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ**

**БОБОРАҲИМ МАШРАБ**

Аҳли тақлид яхши мазҳабдин қолур.

Кўрға пинҳон эрур ранги чаман, Ул гумон этар чаманни бўйдан.

Дард кўрган дард кўрганни танир.

Кимки мағрур бўлди, зуд офоти бор.

Ишқ ҳар сарчашмани баҳре қилур, Хохласа бир қатрани наҳре қилур.

Азизларга ҳақорат бирла ҳар кимки назар қилса, Босарлар рўзи маҳшар кўзига дўзахни анбури.

Жойи келса, пашша ҳам бўлғай буруқ.

Иймон пинҳон эрур, куфр ошкор.

Гунаҳ арзанча бўлса, мулки дил андин сиёҳ бўлди.

Мўр бўлса, кўнглини оғритмагин.

Нор кўрмай, нурни топмоқдур маҳол.

Ийди ошиқлар жамоли ёрдур.

Баъзилар оламда тоатлар қилур, Баъзилар хайру саховатлар қилур.

Маърифатдин ҳосил ўлғай мағфират.

Хасни кўрсанг, бермагин озор сан, Чунки беозор бўлсанг, ёрсан.

МЧЖ шаклидаги «ACARBO TEXTIL» хорижий корхонаси таъсисчиларининг 2008 йил 26 августдаги №1-сонли баённомасига асосан корхонанинг Низом жамғармаси 1.600.000 АҚШ долларидан 693.279-91 АҚШ долларига камайитирилганлигини маълум қилади.

**Ўзбек Давлат цирки республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки**

**11 сентябрдан бошлаб Россия ва Ҳаммаустаник мамлакатлари цирклари йадузлари бизнинг меҳмонимиз.**



Ургатилаган тирпратикалар ва жайралар, Африка шерлари, шотланд пакана отлари, шунингдек Кубашь казаклари ва жаҳондаги энг моҳир масқарабозлар маҳоратидан баҳраманда бўлиш.

**Бударнинг барчасини кўришга шошилинг.**

Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди. Маълумотлар учун телефонлар: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23.

**2008 — Ёшлар йили**  
**АЛИШЕР МИРЗАЕВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ**

ЧЕХИЯНИНГ ЯБЛОНЕЦ ШАҲРИДА КЕМАМОДЕЛЬ СПОРТ ТУРИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА МАМЛАКАТИМИЗ ТЕРМА ЖАМОАСИ СПОРТЧИЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТИБ, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИК ТЎЙИГА МУНОСИБ ТУҲФА ТАЙЁРЛАДИ.

Дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатли спортчилари иштирок этган мазкур беллашувда Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вакиллари - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи Шавкат Исмаилов, халқаро тоифадаги спорт устаси Наил Ҳакимзянов, ёш кемамоделчи Марат Ҳакимзянов кумуш медаль соҳиби бўлди. Жамонинг яна бир вакили - Алишер Мирзаев эса мусобақанинг олтин медалини ва жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди.

Халқаро майдонларда эришган бундай ютуқларимиз замирида юртимизда спортни, жумладан, унинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга берилган катта эътибор мужассам, - дейди А.Мирзаев. - Биз, спортчилар Президентимиз Ислам Каримов томонидан берилган бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан халқаро майдонларда бундан ҳам катта галабаларга эришиш йўлида астойдил ҳаракат қилаверамиз.

**Х.САЛИМОВ,**  
ЎЗА мухбири

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ШАХМАТ ФЕДЕРАЦИЯСИДА ТЎҚҚИЗ КҮН ДАВОМИДА ШАХМАТ БЎЙИЧА ПОЙТАХТ КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТУРНИРДА ҲАМ ЁШЛАР, ҲАМ ФАХРИЙЛАР — ЖАМИ 49 НАФАР ШАХМАТЧИ ИШТИРОК ЭТИБ, ГАЛАБА УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРДИ.**

**Шахмат**

**ФАХРИЙЛАР ВА ЁШЛАР ИШТИРОК ЭТДИ**

Катнашчилар сафига назар ташлайдиган бўлсак, 11 нафар спорт усталигига номзод, 25 нафар 1 тоифали спортчи ўз маҳоратини Кубок бахсларида намойиш этганини кўра-миз. Улар орасида шахар, республика ва китъа чемпионлари бор эди. Мухтасар қилиб айтганда, энг ёш катнашчи 7 баҳорни қаршилаган бўлса, энг кекса шахматчининг ёши 80 га яқинлашиб қолганди.

Шиддатли ва муросасиз беллашу-лардан сўнг 9 имкониятдан 8,5 очко жамғарган Аваз Эшбоев турнирда

галаба қозониб, 2008 йилги шахар Кубогининг соҳиби бўлди. Таъкидлаш жоизки, бу Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш институти талабаси А.Эшбоевнинг биринчи галабаси эмас. У шахмат бўйича пойтахт чемпионлиги унвонини ҳам қўлга киритган.

7,5 очкога эга Никита Хурушевга турнирда иккинчи ўрин насиб этган бўлса, Роман Голубев, Суннат Бойниёзов, Аброр Абдуазимовлар учинчи бўлишди.

Ўринни олган Н.Хурушев спорт усталигига номзодлик талабларини бажарган бўлса, жорий йилда Эронда ўтказилган Осиев чемпионатида 4-ўринни эгаллаган ёш, умидли спортчимиз — Учтепа туманидаги 107-мактаб ўқитувчиси Роман Голубев Вьетнамда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида катнашди.

(Ўз мухбири) **СУРАТЛАРДА:** турнирдан лавжалар Алексей Попов олган суратлар

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Сув тармоқларини таъмирлаш ва профилактика ишларини бажариш, яъни 2008 йил кузги ва қишки мавсумга ўтиш муносабати билан, ДУК «Сувсоз» трести сув босимининг пасайиши ва маълум бир вақт давомида ичимлик суви бўлмаслигини аҳолига маълум қилади.**

**9 сентябрь соат 9:00 дан — 10 сентябрь соат 9:00 гача**

**1.Сув босимининг пасайиши:** Сергели тумани, Сергели 1 дан 8-даҳагача, Спутник даҳаси 1-даҳадан 17-даҳагача сув босими пасаяди.

**2.Сув бўлмайд:** Сергели тумани, Кўйлик-7, Қурувчилар даҳаси ва кўп қаватли уйлар 3 чи қаватдан 9 қаватгача.

**10 сентябрь соат 9:00 дан — 12 сентябрь соат 9:00 гача.**

**1.Сув босимининг пасайиши:** Собир Раҳимов тумани.

**2.Сув бўлмайд:** Юнусобод тумани, Ҳасанбой, Абдуллаев, Охунбобоев посёлкалари, Келес йўли, Сағдиева ва уларга туташган кўчалар.

**15 сентябрь соат 9:00 дан-16 сентябрь соат 9.00 гача**

**1.Сув босимининг пасайиши:** С.Раҳимов, Шайхонтохур, Учтепа туманларида сув босими пасаяди. Юнусобод туманида қисман пасаяди.

**18 сентябрь соат 9:00 дан —19 сентябрь соат 9:00 гача**

**1.Сув босимининг пасайиши:** Юнусобод тумани, «Шахристон» ва «Файратий» маҳаллалари.

**2.Сув бўлмайд:** Юнусобод тумани, «Отчопар-1 ва 2» маҳаллаларида.

**22 сентябрь соат 9:00 дан 23 сентябрь соат 21:00 гача**

**1.Сув босимининг пасайиши:** Учтепа тумани Г9А, 12, 13, 23, 24, 26 даҳалари сув босими пасаяди.

**2.Сув бўлмайд:** Учтепа тумани Г9А даҳаси 1-уйдан 17-уйгача, 13-даҳаси 1-уйдан 10-уйгача, 12-даҳа 15-уйдан 39-уйгача ва 6а, 7а, 61а- уйлар, 23-даҳа 33-уйдан 43-уйгача, 24-даҳа 2-уйдан 23-уйгача ва 42-уйдан 53-уйгача, 26-даҳа 1, 2,3-уйлар.

**24 сентябрь соат 9:00 дан 25 сентябрь соат 9:00 гача**

**1.Сув босими пасайиши:** Чилонзор тумани, 1,2,3,4-даҳаси Чўпонота, Наққошлик ва уларга туташган кўчаларда сув босими

пасаяди. Яккасарой тумани Мираҳмедов кўчаси ва унга туташган кўчалар, Абдуллаев даҳаси.

**26 сентябрь соат 9:00 дан — 26 сентябрь соат 21:00 гача**

**1.Сув босимининг пасайиши:** Юнусобод тумани, Ф.Мавлонов, Ҳакимзода, Ниёзбек, Иргашев ва уларга туташган кўчаларда, Марказ-4 мавзеси.

**6 октябрь соат 9:00 дан 6 октябрь соат 21:00 гача**

**1.Сув бўлмайд:** Чилонзор тумани 20, 20 А даҳаси ва «Тинчлик» маҳалласи

**7 октябрь соат 9:00 дан 8 октябрь соат 9:00 гача**

**1.Сув босимининг пасайиши:** Сергели тумани.

**2.Сув бўлмайд:** Бектемир тумани «Сувсоз» мавзеси.

**9 октябрь соат 9:00 дан 10 октябрь соат 9:00 гача**

**1.Сув бўлмайд:** Чилонзор тумани, 1 ва 2-даҳаси, «Чилонзор», «Қозиробод» маҳаллалари ва Чилонзор кўчаси.

**Сув бўлмайдиган жойларга сув етказиб берилади.**

**Маълумот учун телефонлар: 252-55-78, 252-60-08, 256-10-95**

**ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР !**

2008-2009 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2008 йилнинг 5 сентябридан 24 сентябригача истеъмолчиларни иссиқ сув бўйича чекланмасдан Тошкент шаҳрида қувурлардан фойдаланишнинг гидравлик хусусиятларини ва иссиқлик ташувчи мухитнинг энг юқори ҳароратини аниқлаш бўйича иссиқлик тармоқларини синаш ўтказилади.

**1-ИМ (М-1) 10 сентябрь куни** — М.Улуғбек, Э.Отахонов, Боғишамол, Феруза, Дўрмон йўли, Мўминов, Зиёдиллар кўчалари, Яланғоч, Бўз-1 турар жой мавзелари, ТошГРЭС кўрғони.

**1-ИМ (М-4) 10 сентябрь куни** — Мустиқиллик шохқўчаси, Буюк Ипак йўли, М.Улуғбек, Э.Отахонов, Қори Ниёзий, Мухаммад Юсуф, Сайрам, Оққўрғон, Кичик Ҳалқа йўли, Дўрмон йўли, Зиёдиллар кўчалари, Тошселмаш, Риёзий, Тамарахоним, Мирзакалон Исмоилий, Паркент турар жой мавзелари, Ҳ.Олимжон майдони.

**2-ИМ 16 сентябрь куни** — Т.Малик, Авайхон, Матқобулов, Ш.Бурхонов, Феруза, Миришкор, Ҳамроев, Убайдуллахўжаев кўчалари, Қорасув-1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Бўз-2 турар жой мавзелари, Геофизиклар кўрғони.

**3-ИМ 24 сентябрь куни** — Навоий, Абай, Афросиёб, Б.Зокиров кўчалари, Бунёдкор шохқўчаси, Беруний, Ўзбекистон, А.Хўжаев, Фурқат, Самарқанд-Дарвоза, Кичик Ҳалқа йўли кўчалари, Чорсу, Қоратощ, Беруний, Олмазор, Бешёғоч, Марказ-10,14,11, Марказ-26, 27,28, Б-1,Б-2,Б-3, Қорақамиш-2/1,2/2 турар жой мавзелари.

**4-ИМ (М-0) 12 сентябрь куни** — А.Темур шохқўчаси, Осиев, Боғишамол, Кичик Ҳалқа йўли, Хуршид, Бодомзор, Шахристон, Ҳ.Олимжон, Чинобод, Бодомзор кўчалари, Ҳ.Олимжон майдони, Марказ-1, 5, 6-мавзелари.

**4-ИМ (М-1) 12 сентябрь куни** — Ҳасанов, Ф.Ҳулом, Шамсутдинов, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, А.Қодирий, А.Хидоятлов кўчалари, Марказ-17,18 (Себзор), Тахтапұл, Марказ-12,13,15, Қорақамиш-1/1,1/2,1/3,1/4 мавзелари.

**4-ИМ (М-4,8) 15 сентябрь куни** — Юнусобод мавзеси 1-19-даҳалар, Бодомзор мавзеси, А.Темур шохқўчаси, Мойқўрғон, А.Дониш, Муродов, М.Мирзаев, Юнусобод, Соҳибкор, Т.Зоҳидов, Шахристон, Чинобод, Уч қаҳрамон, Чимкент катта йўли кўчалари.

**5-ИМ 5 сентябрь куни** — Чилонзор мавзеси 6:12, Ц, Г9а, 16:20А, 26-даҳалар, Дўмбробод, Оқтепа, Шарк, Гулистон, Ал Хоразмий-1,2 мавзелари, Заргарлик, Муқимий, Кичик Ҳалқа йўли, Чўпонота, С.Мираҳмедов, Наққошлик, Нова-Қозиробод кўчалари.

**6-ИМ 5 сентябрь куни** — Мунис, Бехтерёв, Янгизамон, Янгикўйлик, А.Фитрат, Фаргона йўли кўчалари, Кўйлик — 1:7, Кўйлик-Айланма йўл турар жой мавзелари.

**7-ИМ 18 сентябрь куни** — Лисунов, Шолохов, Бирлашган, Элбек, Слоним, Қурувчилар, Охангарон кўчалари, «Галабозинг 40 йиллиги»-1,2,3,4, ДСК-1, Слоним-1,2 мавзелари, Авиасозлар шаҳарчаси худуди.

**8-ИМ 18 сентябрь куни** — Сергели-1:8А, Спутник-8,15,16,17,

Дўстлик-1,2 турар жой мавзелари, Янги Сергели йўли, М.Алавия, А.Ахматова, Қипчоқ, Давлатобод, Чинор, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Қўрғонтепа кўчалари.

**9-ИМ 16 сентябрь куни** — Чилонзор мавзеси 13-15,15А, 21-24,30,31 даҳалар, Шарк, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон мавзелари, Фозилтепа, Тақачи, Ширин, Лутфий кўчалари.

**10-ИМ 17 сентябрь куни** — Фаробий, Беруний, Мухбир, Мирзо-Ғолиб, Чимбой, Қамарнисо кўчалари, Шифокорлар, Ёшлик шаҳарчалари, Чимбой, Жарарик, Қорақамиш-2/2,2/3,2/4,2/5, Тансиқбоев-1,2,3, НУЎЗ — ТошДТУ, Олимпия, Ибн Сино-1,2, Белтепа мавзелари.

**ИЭМ (М-0) 11 сентябрь куни** — Навоий, Ш.Рашидов, Бобур, У.Носир, С.Мираҳмедов, Арнасоий, Ш.Исмолов, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, Ц-7, Чилонзор-1,2,3,4,5,Е,И мавзелари.

**ИЭМ (М-5,8) 9 сентябрь куни** — Бобур, Глинка, Афросиёб, С.Талипов, Я.Ҳуломов, Буюк Турон, Бухоро, Истиклол, С.Азимов, Матбуотчилар, С.Барақа, Сайилгоҳ, Элбек, Мустафо Камол ота Турк, Кичик Ҳалқа йўли, Шахрисабз, Т.Шевченко, Нукус кўчалари, Марказ-1, Марказ-2, Марказ-4, Марказ-5, Кушбеги, Бошлиқ, Авиасозлар шаҳарчаси турар жой мавзелари.

**«Водник» қозонхонаси 17 сентябрь куни** — «Водник» мавзеси, Ҳ.Бойқаро кўчаси.

**«ТТЗ» қозонхонаси 8 сентябрь куни** — ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий мавзелари, Аҳиллик, Гулсанам, Юзработ, Буюк Ипак йўли кўчалари.

Қувурларнинг шикастланиши ва тешиланган жойлардан сув чиқиши мумкин бўлиб, ҳайдовчилар ва пиёдалардан эҳтиёт бўлишлари талаб қилинади. Ноодатли ҳолларни сезишнингиз билан 281-32-32 телефони орқали хабар қилишингизни сўраймиз.

Кўйидаги иссиқлик марказларини тўлиқ кузги тўхтатиш режалаштирилмоқда:

- 1-ИМ — «Шимолий-Шарқий» — 15дан 19 сентябрьгача
- 2-ИМ — «Қорасув» — 22дан 26 сентябрьгача
- 3-ИМ — «Фарбий» — 6дан 10 октябргача
- 4-ИМ — «Шимолий» — 22дан 26 сентябрьгача
- 5-ИМ — «Чилонзор» — 8дан 12 сентябрьгача
- 6-ИМ — «Жанубий-Шарқий» — 8дан 12 сентябрьгача
- 7-ИМ — «Авиасозлар» — 22дан 26 сентябрьгача
- 8-ИМ — «Сергели» — 8дан 12 сентябрьгача
- «ТошИЭМ» қозонхонаси — 15дан 19 сентябрьгача
- «Водник» қозонхонаси — 6дан 10 октябргача
- «ТТЗ» қозонхонаси — 15дан 19 сентябрьгача
- «Саноатэнерго» қозонхонаси — 22дан 26 сентябрьгача

Тўхтатиш даврида иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган йўналишларидаги таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайд.



**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**  
Буюртма Г- 806

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**  
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**  
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3329 нусxada босилади. Қозғ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарк» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
1 3 4 5 6